# II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 2 102,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 101,5 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 91,8 фоизни ташкил этди (2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 100,2 фоиз).Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 5,3 фоизни (ўсиш суръати 109,5 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши 1,8 фоизни (ўсиш суръати 160,3фоиз),тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 1,1 фоизни (ўсиш суръати 126,3 фоиз), ташкил қилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами саноат махсулотлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)*




Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора–тадбирларни амалга оширилиши, кичик бизнес томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 101,3 фоизга ошишини таъминлади.Жами саноатдаги кичик бизнеснинг улуши 66,6 ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича**
**саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**
*(2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига)*

| | *Млрд. сўм* | *2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоизда* |
|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми** | **2 102,5** | **101,5** |
| **Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | **23,4** | **126,3** |
| *улардан:* | | |
| тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият | 23,4 | 126,3 |
| **Қайта ишлаш саноати** | **1 930,2** | **100,2** |
| *ундан:* | | |
| озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 474,8 | 87,8 |
| ичимликлар ишлаб чиқариш | 0,3 | 128,7 |
| тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 540,7 | 94,0 |
| кийим ишлаб чиқариш | 160,0 | 109,3 |
| тери ва унга тегишли маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 63,4 | 46,1 |
| ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поxол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш | 13,3 | 102,6м |
| қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 7,7 | 70,3 |
| ёзилган материалларни нашр этиш ва акс эттириш | 2,0 | 3,5м |
| кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | - | - |
| кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6,1 | 101,8 |
| фармацевтика маҳсулотлари ва припаратларини ишлаб чиқариш | 0,5 | 89,2 |

| | Млрд. сўм | 2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоизда |
|---|---|---|
| резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 112,9 | 121,7 |
| бошқа нометал менирал маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 212,6 | 2,3м |
| металлургия саноати | 24,2 | 41,6 |
| Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 12,8 | 110,9 |
| электр ускуналарни ишлаб чиқариш | 182,3 | 88,0 |
| компьютерлар, эктрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 54,7 | 2,4м |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва усукналар ишлаб чиқариш | 7,8 | 174,5 |
| Мебель ишлаб чиқариш | 27,4 | 179,2 |
| бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш | 10,2 | 187,4 |
| машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш | 15,7 | 6,4м |
| Автотранспорт воисталари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш | 0,7 | 47,8 |
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | **111,6** | **109,5** |
| **Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш** | **37,3** | **160,3** |

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 97,1 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 1 760 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 104 та янги иш ўринлари яратилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**

| | *2017 йил январь-сентябрь* | *2018 йил январь-сентябрь* |
|---|---|---|
| Лойиҳалар сони, *бирлик* | 35 | 44 |
| Корхоналар сони, *бирлик* | 17 | 27 |
| Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм* | 35,7 | 97,1 |
| Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот хажми, минг *АҚШ долл.* | 6,0 | 1 760 |
| Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик* | 33 | 104 |

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 101,6 фоизга ва жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушини эса ўтган йилнинг мос давридаги 53,8 фоиздан 60,3 фоизга ўсишини таъминлади.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**
*(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан фоизда)*



Ҳудудларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширилган тадбирлар натижасида юқори ўсиш суръатларга, Фориш тумани (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 158,3 фоиз), Зомин(133,5фоиз) ва Арнасой тумани (113,4 фоиз) кузатилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш хажмлари фоизда %**




Шу билан бирга ўсиш суръати ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан пасайиш қуйидаги туман ва шаҳарларда кузатилмоқда. Хусунан, Зафаробод туманида 89,0 фоизга, Янгиобод туманида 89,1 фоизга, Зарбдор туманида 91,0 фоизга пасайиш кузатилган.

## Ҳудудлар бўйича саноат ва истеъмол товарлар ишлаб чиқариш хажмлари

*(2018 йилнинг январь-сентябрида)*

*млрд сўмда*

| | *Саноат маҳсулотлар хажми* | *2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан, %* | *Истеъмол товарлар хажми* | *2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан, %* |
|---|---|---|---|---|
| **Жиззах вилояти** | **2102,5** | **101,5** | **1266,9** | **101,6** |
| *шаҳар:* | | | | |
| Жиззах | 1144,7 | 98,6 | 742,5 | 105,2 |
| *туманлар:* | | | | |
| Арнасой | 48,9 | 113,4 | 27,5 | 95,0 |
| Бахмал | 34,3 | 98,1 | 27,1 | 100,7 |
| Ғаллаорол | 59,5 | 99,8 | 49,9 | 103,2 |
| Ш.Рашидов | 107,4 | 95,1 | 86,4 | 102,9 |
| Дўстлик | 243 | 97,6 | 117,7 | 108,6 |
| Зомин | 127 | 133,5 | 44,3 | 78,5 |
| Зарбдор | 40,4 | 91,0 | 31,8 | 85,9 |
| Зафаробод | 49,5 | 89,0 | 26,9 | 83,3 |
| Мирзачўл | 35,6 | 96,4 | 23,2 | 81,3 |
| Пахтакор | 85,3 | 99,3 | 28,5 | 89,8 |
| Фориш | 104,7 | 158,3 | 44,6 | 107,7 |
| Янгиобод | 22,2 | 89,1 | 16,5 | 95,7 |

Вилоят саноат ишлаб чиқариш хажми таркибида энг кўп Жиззах шахар(вилоят саноат ишлаб чиқариш хажмининг 54,4 % улушини), Дўстлик тумани (11,6 % улушини), Зомин тумани (6,0 % улушини), Ш.Рашидов (5,1 % улуши) туманлари хиссасига тўғри келмоқда.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг саноат ишлаб чиқариш хажмида ҳудудларнинг улуши фоизда**



Шу билан бирга энг кам улуш Янгиобод тумани 1,1 фоиз,Бахмал туманида 1,6 фоиз, Мирзачўл туманида 1,7 фоиз, Зарбдор туманида 1,9 фоиз ва Арнасой тумани 2,3 фоизга тўғри келмоқда.

Шунингдек ахоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тахлил қилинганда вилоят бўйича 1 575,0 минг сўмни ташкил этиб туман ва шаҳарларнинг табақаланиши ўрганилганда Дўстлик тумани 3 821,3 минг сўм, Пахтакор тумани 1 183, минг сўм ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан юқорилиги намоён бўлмоқда.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми**



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш**
*(йирик корхоналар бўйича)*

| | Ўлчов бирлиги | 2018йил январ сентиябр | 2017йил январ сентиябрга нисбатан% |
|---|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | | | |
| Кайта ишланган уруғи бўғдой (қаттиқдан ташқари) | т | 5806 | 102,5 |
| Донга ишлов бериш хизмати | минг сўм | 986849 | 1307,2 |
| Пахта хом-ашёни қайта ишлаш | т | 82458 | 79,4 |
| Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси | т | 28694 | 88,4 |
| Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 1 навли | т | 15904 | 68,7 |
| Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 2 навли | т | 6652 | 196,9 |
| Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 3 навли | т | 2784 | 433,0 |
| Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 4 навли | т | 2260 | 824,8 |
| Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 5 навли | т | 1094 | 21,9 |
| Пахта чигити | т | 42424 | 80,4 |
| Момик | т | 2434 | 105,9 |
| Бошка техник чигит-т | т | 37823 | 79,3 |
| Тозаланган пахта ёғи | т | 8842 | 104,0 |
| Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар | т | 39417 | 103,0 |
| Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти) | т | 647 | 129,4 |
| Таркибида ёғ ёки хайвон ёки ўсимлик муми бўлган моддаларни қайта ишлашнинг бошқа қолдиқлари ва чиқиндилари | т | 342 | 87,2 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | т | 40 941,9 | 104,1 |

| | Ўлчов бирлиги | 2018йил январ сентиябр | 2017йил январ сентиябрга нисбатан% |
|---|---|---|---|
| Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка) | т | 140 | 13,9 |
| Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар | т | 45 | 100,0 |
| Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари) | т | 33 483,2 | 130,3 |
| Тўқимачилик иплари ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисмини (ёки алоҳида операцияларини) бажариш бўйича субпудратчилар хизматлари | минг сўм | 33 4598 | 107,9 |
| Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар | т | 1 239 | 56,0 |
| Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип | т | 6 136 | 102,1 |
| Эркаклар ёки ўғил болалар учун машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж костюмлар, комплектлар, пиджаклар, блейзерлар, шимлар, кўкракпечли ва елка тасмали комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш учун мўлжаллланганидан ташқари) | т | 339 | 79,8 |
| Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж футболкалар, майкалар ва бошқа ичдан кийиладиган фуфайкалар | т | 1 377 | 114,7 |
| Аёллар ёки қизлар учун трикотаж ичкўйлак, ички юбкалар, трусиклар, панталонлар, тунги кўйлаклар, пижамалар, пеньюарлар, халатлар ва шу кабилар | т | 760 | - |
| Бошқа гуруҳларга киритилмаган бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар (пардоз учун ишлатиладиганидан ташқари) | т | 383 | 126,4 |
| Чакана савдо учун қадоқланмаган юзаки актив воситалар, ювиш ва тозалаш воситалари | т | 495 | 94,3 |

| | *Ўлчов бирлиги* | *2018йил январ сентиябр* | *2017йил январ сентиябрга нисбатан%* |
|---|---|---|---|
| **Электир, газ, буғбилан таминлаш ва ҳавони кондициялаш** | | | |
| Иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ишлаб чиқарган электр энергияси | минг сўм | 86 805 972 | 128,1 |
| Қуёш электр станциялари ишлаб чиқарган электр энергияси | млн кВтс | - | 0,0 |
| Газсимон ёнилғини қувурлар орқали тақсимлаш бўйича хизматлар | минг сўм | 24 679 380 | 74,1 |
| Сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш бўйича хизматлар | минг сўм | 9 652 420 | 147,7 |
| Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар | минг сўм | 1 122 560 | 112,9 |
| Қайта фойдаланишга яроқсиз бошқа хавфсиз чиқиндиларни йиғиш бўйича хизматлар | минг сўм | 3 417 354 | 707,0 |